

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАМУРАТОВ МУРАТ УТЕПБЕРГЕНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҲБАР ВА БОШҚАРУВ КАДРЛАР
ТИЗИМИНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШИШ ЖАРАЁНИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Content of dissertation abstract
of Doctor philosophy (PhD) on political sciences**

Атамуратов Мурат Утепберганович

Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни.....3

Атамуратов Мурат Утепберганович

Процесс модернизации системы руководящих и управленческих кадров в Узбекистане..... 19

Atamuratov Murat Utepbergenovich

The process of modernization of state leaders and management staff system in Uzbekistan.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work.....41

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАМУРАТОВ МУРАТ УТЕПБЕРГЕНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҲБАР ВА БОШҚАРУВ КАДРЛАР
ТИЗИМИНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШИШ ЖАРАЁНИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Siyos14 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.nuu.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашев Ибодулла
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимардонов Тўлқин Турдиевич
сиёсий фанлар доктори, профессор

Умаров Хайрулло Пайзуллаевич
сиёсий фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг Тарих факультети, 1-қават, 110-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871)246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй.Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-04.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Д.Ташанов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори
(PhD)

А.Г.Муминов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги дунёда раҳбар ва бошқарув кадрлари жамият тараққиётининг асосий ҳал қилувчи кучига айланди ва улар фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш муҳим вазифадир. Давлат ва жамият бошқаруви асосларининг тубдан ўзгариши демократик институтлар бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимини янада модернизациялашни тақозо этади. Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги ислохотлар соҳасига муносиб раҳбар кадрларни тайёрлаш масаласини янада долзарблаштирмоқда.

Ривожланган давлатларда бошқарувни ташкил этиш, тайёрлаш, танлаш, малакасини ошириш, баҳолаш, захиранинг шаклланиши ҳамда кадрларнинг замонавий тизими ишлаб чиқилган. Хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини, янги механизмларини мамлакатимизда татбиқ этиш билан тизимни такомиллаштириш ва ўзгартиришда субъектив омилларнинг таъсирини камайтириш орқали самарадорлигини таъминлашга эришиш муҳим. Раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимининг модернизациялашиши жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашишига, кадрларда инновацион тафаккурни шакллантириш, бозор конъюктураси ва рақобатига жавоб берадиган илғор тажрибаларни умумлаштирадиган, мустақил ва тезкор қарорлар қабул қила оладиган замонавий кадрларга бўлган эҳтиёж янги босқичга кўтарилди.

“Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда”¹ деган концептуал ғоя раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимининг шаклланишини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан ҳам бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий институтларнинг модернизациялашиши жараёнида раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашишини ўрганиш долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармони (2017), “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони (2017), “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясида бошқарув кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5139-сон Фармони (2017), “Ўзбекистон Республикасида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3430-сон Қарори (2017), “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

Фармони (2018), “Истикболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3755-сон Қарори (2018), шунингдек, ушбу диссертация соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шарқ ва Ғарб сиёсий меросида (давлат бошқарувининг шаклланиши ва ривожланиши) бошқарув кадрлар масаласини тадқиқ этиш ўзига хос анъаналарга эга. Хориж олимларининг асарларида раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёнини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу соҳада амалга оширилган илмий тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ – ривожланган хорижий мамлакатларда тадқиқот олиб борган олимларнинг илмий тадқиқотлари натижалари ҳисобланади. Уларга Филипп Ардан, Г.Женевьев, С.Паркинсон, М.К.Рустомжи, Й.Хентце, Й.Метцнер, О.Сусуму, Р.Инглхарт, П.Де Брюйн каби олимлар асарларини келтириш мумкин².

Шунингдек, иккинчи гуруҳга мансуб бўлган МДҲ олимлари В.А.Красильшчиков, М.М.Федорова, Я.М.Бергер, Г.Л.Купряшин, М.В.Братерский, С.А.Ланцов, М.Гвоздева, Е.Васильева каби олимлар ҳам бу соҳада тадқиқот олиб борган³.

Учинчи гуруҳга Ўзбекистонда тадқиқот олиб борган олимларнинг асарларини келтириш мумкин. Улардан: Ш.Пахрутдинов, А.Бегматов, М.Қурононов, И.Эргашев, Т.Жўраев, А.Холбеков, Д.Рахимова, М.Бекмуродов, Б.Мирбобоев, А.Раҳманов, О.Хусанов, Қ.Қуронбоев, Ф.Равшанов,

² Женевьев Г. Организация административной власти Франции. – Москва, 1994; Ардан Филипп. Франция: государственная система. – Москва, 1994. – 261 с.; Хентце Й., Метцнер Й. Теория управления кадрами в рыночной экономике. – Москва: “Международные отношения”, 1998. – 210 с.; Обара Сусуму. О системе прохождения службы в государственных и общественных учреждениях Японии (Система назначения на должности: с момента принятия на службу и до ухода в отставку. Материалы лекции в АГОС при Президенте РУз. Сентябрь, 1999. – 142 с.; Паркинсон С.Н., Рустомджи К. Искусство управления. – Москва, Форм-пресс, 2001. – 272 с.; Инглхарт Р. Пост модерн: меняющиеся ценности и изменяющееся общества // Полис. – 1997. – №4. – 7-29 с.; Брюйн П.Де. Управление по результатам в государственном секторе. – Москва: ИКСИ, 2005. – 192 с.

³ Красильшчиков В.А. Модернизация и Россия на пороге XXI века // Вопросы философии. 1993. № 7. – 144 с.; Федорова М.М. Традиционализм как антимодернизм // Полис. 1996. №2. – 144 с.; Бергер Я.М. Модернизация и традиция в современном Китае. // Полис. 1995. №5. – 60 с.; Купряшин Г.Л. Политическая модернизация. – Москва: Общество «Знание» РСФСР, 1991. – 9 с.; Братерский М.В. Теория модернизации: обзор американских концепций // США: экономика, политика, идеология. 1990. №9. – 26-29 с.; Ланцов С.А. Российский исторический опыт в свете концепций политической модернизации. // Полис. 2001. №3. – 93 с.; Гвоздева М., Васильева Е. Трансформация государственной службы в условиях административной реформы: социологический анализ. Диссертация на соискание ученой степени доктора социологических наук. – Санкт-Петербург: 2015. – 32 с.

Т.Алимарданов, Ж.Юсубов⁴ каби олимлар томонидан бошқарув тизимининг тарихи, давлат қурилиши, раҳбар кадрлар тайёрлаш ва танлашнинг ҳуқуқий-ташкилий масалалари, давлат хизмати персоналини бошқариш, унинг меҳнатини оптималлаштириш, кадрлар билан ишлаш тамойиллари, раҳбар ва ходим ёки ўзаро жамоа муносабатларини тартибга солиш, раҳбар ва иқтисодий самарадорлик, раҳбар ва коллектив психологияси, бошқарув услублари ва жиҳатлари масалалари ўрганилган.

Муаллифлар орасида Қ.Қуронбоевнинг “Давлат бошқарув кадрлари тизими: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертациясини, Ф.Равшановнинг “Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба” китобини, Х.Аҳмедовнинг “Ислом Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-сиёсий масалалари” мавзусидаги диссертациясини қайд этиш мумкин⁵.

Мамлакатимизда миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишдек улғувор мақсадларни амалга ошириш жараёни ва унинг талабларига жавоб берадиган раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашишини ўрганишда муҳим илмий изланишлар олиб борилди. Шундай бўлсада, раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимини модернизациялашуви муаммоси етарлича махсус ўрганилмаган.

Мазкур тадқиқот ишида мустақиллик туфайли мамлакатимизда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялаш жараёнида янги авлод раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиши билан боғлиқ ўзгаришлар, айниқса Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан яратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққий эттириш бўйича ва унда белгиланган жадал тараққиёт модели негизидаги янгиликлар ўрганилиб, тегишли илмий хулосалар ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқотлари режасининг “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

⁴ Бегматов А. Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг технологик тизими. Раҳбар ва ходим (тўплам). – Тошкент, Академия, 1998. – 124 б.; Раҳимова Д., Бекмуродов М. Лидерлик ва ташкилот маданияти. – Тошкент, Академия, 2002. – 104 б.; Назаров Қ., Эргашев И. ва бошқалар. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. – Тошкент, Ғ.Ғулом нашриёти, 2007. – 776 б.; Пахрутдинов Ш. Жамоат минбари. Фуқаролик жамияти. 2007 йил, 1-сон. – 32 б.; Раҳманов А. Давлат қурилиши ва бошқаруви. – Тошкент, Ғ.Ғулом нашриёти, 45,24 б.т. 2007. – 575 б.; Холбеков А. Касбларнинг касби ёхуд раҳбар кадрларни ўқитиш ва касбий маҳоратини ошириш муаммолари. Жамият ва бошқарув. 2006, 2-сон. – 16-20 б.; Мирбобоев Б., Хусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. – Тошкент, Академия, 2005. – 144 б.; Т.Алимарданов. “Ўчмас шараф” Ш.Рашидов ҳаёти ва фаолияти тарих кўзгусида. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2017. – 38 б.

⁵ Қуронбоев Қ. Ўзбекистонда янги раҳбар кадрлар тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2007. – 164 б.; Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. – Тошкент, Академия, 2007. – 262 б.; Аҳмедов Х. «Ислом Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-сиёсий масалалари». Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, ДЖҚА, 2008. – 46 б.

жамиятини ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-хуқуқ ислоҳотларнинг муштараклиги” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёнларида унга қўйилаётган янгича талаблар ҳамда бошқарув кадрлари фаолиятининг самарадорлигига эришиш мезонларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: умумий мақсаддан келиб чиқиб тадқиқотнинг қуйидаги вазифалари белгилаб олинди:

раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёнларини тақозо этган омилларининг сиёсий-хуқуқий асосларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясининг самарали амалга оширилиши бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар юзасидан номарказлаштириш жараёнларини таҳлил этиш;

бошқарув кадрлар тизимидаги сиёсий ва ғоявий ўзгаришлар ҳамда концептуал қарашларни таҳлил этиш;

раҳбар ва бошқарув кадрларини тайёрлашнинг сиёсий-стратегик мақсади бошқарув соҳаси учун салоҳиятли кадрларни танлаш тизимининг замонавий технологияларини ўрганиш ва Ўзбекистонда татбиқ этиш имкониятларини тадқиқ этиш;

раҳбар ва бошқарув кадрлар фаолиятидаги миллий ғояга зид бўлган тизимли иллатлар, хусусан, масъулиятсизлик, лоқайдлик, бефарқлик сингари ҳолатларини таҳлил этиш ва уларнинг олдини олиш имкониятларини тадқиқ этиш;

фаолият натижалари учун шахсий жавобгарлик нуқтаи назаридан бошқарув кадрлари ишини танқидий таҳлил этиш;

раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялашда янги инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этишга қаратилган хулоса, амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти: Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва жамият бошқаруви соҳаларидаги раҳбар ва бошқарув кадрлар фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети: раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялашиш жараёнларининг замонавий технологиялари ҳамда уни амалга оширишда намоён бўлаётган қонуниятлари ва тамойилларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация демократик институтларни структуравий-функционал ва тизимли тадқиқ этиш, объективлик, тарихийлик, қиёслаш, ижодий-танқидий таҳлил ва умумлаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимининг самарадорлигига эришишда кадрларнинг фаолиятга мослашувчанлиги, компетентлиги, бошқарув қадриятларига садоқатлилиги, лидерлик салоҳияти, коммуникатив қобилиятининг зарурлиги асосланган;

раҳбар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини модернизациялаш, замонга мос янгича тафаккур юрита олиш, ҳамкорлик ва коммуникативлик хусусиятларини аниқлаш мезонлари асосланган;

раҳбар кадрларни танлашда муқобиллик тамойили, жамоатчилик фикри ва аввалги фаолиятида натижаларини мутаносиб ҳисобга олишнинг самарадорлиги асослаб берилган;

раҳбар ва бошқарув кадрларини давлат ҳокимияти ва жамият бошқаруви соҳаларидаги ваколатлари кенгайишининг демократик принципларига мувофиқлиги, хизмат вазифаларида ўсиш поғоналарини тизимли белгилаш, фаолият самарадорлигининг баҳолаш мезонлари, таркибий функционал боғлиқлигига доир амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялашнинг янгича ривожланиш жараёнлари тавсифланган;

раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини янгилашнинг назарий-ғоявий, сиёсий-ҳуқуқий асослари тизимлаштирилган ва умумлаштирилган;

демократик ислохотларда инсон манфаатлари устуворлигини ҳисобга олиб “Давлат бошқаруви” тушунчасини “Давлат хизмати” деб номлаш таклифи киритилган;

раҳбар ва бошқарув кадрлар янги тизимини шакллантиришда профессионал тайёргарлиги, кадрларнинг компетентлиги, ғоявий ишонч ва эътиқодини баҳоловчи мезонларини аниқлашда хориж тажрибасининг замонавий технологиялардан, илм-фан ютуқларидан фойдаланиш таклифлари ишлаб чиқилган;

аниқ соҳалар, йўналишлар ва ахборот-коммуникация тизимларидаги ўзгаришлар талабига жавоб берадиган кадрлар янги тизимини шакллантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги: раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёнларида содир бўлган ўзгаришлар кадрлар янги тизимига доир далиллар, фармонлар, қарорлар, расмий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, маълумотларнинг расмий манбаларидан, оммавий ахборот воситаларида келтириладиган маълумотлардан, тегишли хулоса, таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг илмий аҳамияти Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётини демократлаштиришда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизими модернизациялашишининг назарий-методологик жиҳатларини чуқурроқ ўрганишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёнларига доир таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этиш янги авлод раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини яратишда муҳим амалий аҳамиятга эга. Тадқиқот натижаларидан давлат ва жамият бошқарув соҳалари фаолиятида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни бўйича ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимининг самарадорлигига эришиш механизмлари, мезонлари (фаолиятга мослашувчанлиги, кадрларнинг компетентлиги, бошқарув кадриятларига садоқатлилиги, лидерлик салоҳияти, коммуникатив қобилияти) ва тамойилларига доир таклифлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази ўқув жараёнида олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазир ўринбосарининг 2018 йил 8 сентябрдаги №89-03-3221-сон маълумотномаси). Натижада малака ошириш курсларида ўқиган ОТМ муассасалари раҳбар ва заҳира кадрларида замонга мос янги тафаккур юрита олиш, ҳамкорлик ҳамда коммуникативлик кўникмалари шакллантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясида тадқиқот иши мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий институтларнинг модернизациялашиш жараёнида раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг шаклланиш босқичларига доир хулосалар ўтилаётган ўқув курслари дастурларида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясининг 2017 йил 27 декабрдаги 2142-сон маълумотномаси). Натижада Академиянинг бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш (магистратура, тўрт ойлик ва қисқа муддатли) курсларга тингловчиликка номзодларнинг қобилиятини баҳолаш услубларини ишлаб чиқишда тадбиқ этилган.

раҳбар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш тизимини модернизациялаш, замонга мос янги тафаккур юрита олиш, ҳамкорлик ва коммуникативлик хусусиятларини аниқлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича таклифлари Тошкент шаҳар "Ёшлик" шаҳарчаси ҳокимияти фаолиятида Ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига эришишда фойдаланилди ("Ёшлик" шаҳарчаси ҳокимияти ижроия маҳкамасининг 20 декабрь 2017 йил 01/305-сон маълумотномаси). Натижада раҳбар ва бошқарув кадрлар захирасини шакллантиришда, баҳолашда ҳамда "Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепцияси"да белгиланган вазифалар бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда, ННТлар билан самарали ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган фаолиятини ташкил этишга эришилган.

Раҳбар ва бошқарув кадрлар захирасини шакллантириш, танлаш ва жой-жойига қўйиш, баҳолаш (аттестация) тизимини такомиллаштириш, бошқарув маҳоратини шакллантириш билан боғлиқ ғоялари Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ҳокимиятида амалиётга жорий этишда фойдаланилди (Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ҳокимининг 6

январь 2018 йил 7-01-сон маълумотномаси). Натижада кадрлар захирасини шакллантириш, танлаш ва жой-жойига қўйиш, баҳолаш ва компетентли кадрларни бошқарув лавозимларга жалб этишга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 дан ортиқ илмий иш чоп этилган. Жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, 1 таси хорижий журнал, 8 таси республика ва 2 таси халқаро конференция материалларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялаш жараёнларини ўрганишнинг назарий-методологик асослари” номли биринчи бобда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялаш жараёни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви институтларининг ўзгариши тушунчасининг мазмун-моҳияти ҳамда раҳбар ва бошқарув кадрлар янги институционал тизимининг шаклланиши ва модернизациялашининг сиёсий-ҳуқуқий асослари ёритилган. Ўзбекистон мустақиллик туфайли ижтимоий-сиёсий институтлар мақсади ва вазифаларининг ўзгарганлигини ҳисобга олиб, бошқарув кадрларни тайёрлашнинг янги тизимини яратишга эътибор қаратилди. Янгича ижтимоий-сиёсий институтлар раҳбар ва бошқарув кадрлар олдига янгича мақсад ва вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда”⁶ деган концептуал фикрлари раҳбар ва

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22.12.2017>.

бошқарув кадрлар тизимининг шаклланишини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади.

Бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимидаги сиёсий институтлар ўзгариши, Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаётини сиёсий институтлар ҳамда мафкуралар хилма-хиллигига асослана бошлаганлиги билан бевосита боғлиқ. Энди раҳбар ва бошқарув кадрлари ана шу янгича талабларга, принципларга жавоб бера оладиган раҳбарлик ва бошқарув маҳоратига, мустақиллик тафаккурига ҳамда янгича дунёқарашга эга бўлишни тақозо эта бошлади. Бизнингча, "раҳбар ва бошқарув кадрлари" тушунчаси давлат ҳокимияти ва жамият бошқаруви соҳаларида фаолият юритаётган, муҳим қонунлар, қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда ўзига хос масъулият ва мамлакат олдида турган тараққиёт стратегияси билан боғлиқ мақсадларни амалга ошириш ваколатига ва жавобгарлигига эга бўлган кадрлар тизимидир, деб таърифлаш мумкин.

Диссертацияда "Кадрлар", "Раҳбар", "Бошқарув раиси", "Раис", "Раҳбар ва бошқарув кадрлари", "Раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиши", "Бошлиқ" тушунчаларининг янгича мазмун ва моҳияти ҳозирги замон, модернизация жараёнлари билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилди.

Унда шарқ ва ғарб файласуфлари ҳамда сиёсатшуносларнинг раҳбар ва бошқарув кадрлари тўғрисидаги қарашларига таянилди. Хусусан, буюк аллома Абу Наср Форобий "Фозил одамлар шахри"⁷, Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий – Низомулмулкнинг "Сиёсатнома" (ёки Сияр ул-мулк)⁸, Амир Темурнинг "Темур тузуклари"⁹, Муҳаммад ибн Бурҳониддиннинг "Ҳукмдорга ўғитлар", Абу Али ибн Синонинг "Донишнома", Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий", "Ҳайрат ул-аброр"¹⁰ дostonларида раҳбар шахсга билдирилган фикрлар ҳамда ўша пайтда раҳбарларга қўйилган талаблар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлигига эътибор қаратилади. Зеро, бундай фазилатларга эга бўлиш бугунги кунда бошқарувчилик меҳнатининг унумдор ва самарали бўлишига хизмат қилади.

Масалан, Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳар бир одамнинг баҳоси – ўз ишини ажойиб бажаришидир", деб таъкидлаши шахс фаоллиги, унинг ташаббускорлиги раҳбарлик фаолиятининг баҳо мезони эканлигини кўрсатади¹¹.

Шунингдек, унинг фикрича, табиатан бошқаришга мойил бўлган ҳоким ўз фикри ва қарорларида қатъий, ўз ишларини амалга оширишда файласуфларнинг қонунларига бўйсунishi лозим, шоҳнинг ўзи ҳам "яратувчанлик онгига" эга бўлиши, одил ҳокимнинг асосий вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик ва адолат

⁷ Эргашев И., Отамуротов С., Ақромов Ш., Қодиров А. Политология. – Тошкент, Ўзбекистон, 1998. – 20-21 б.

⁸ Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. – Тошкент, Адолат, 1997. – 155 б.

⁹ Темур тузуклари. – Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 87 б.

¹⁰ <http://e-adabiyot.uz/kitoblar/kitoblar/69-hayrat-ul-abror.html>.

¹¹ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 2 т. – Тошкент, 1965. – 373 б.

ўрнатишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаган. Ёки Амир Темурнинг ўзи яшаган замонда билдирган бошқариш, раҳбарлик борасида ўзига хос фикрлари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилади. Унинг “Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради”¹², дея таъкидлаган. Бу эса ҳозирги замонавий раҳбар кадрлар олдида қўйилаётган талаб ҳамда вазифалар билан ҳамоҳангдир.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни қуйидаги жиҳатлар билан боғлиқлиги асосланган.

Улар: **биринчидан**, мустақиллик туфайли республикада амалга оширилаётган ислохотлар демократик жамият қуриш талабларига жавоб берадиган раҳбар ва бошқарув кадрларни тайёрлашнинг янги тизими билан;

иккинчидан, Ўзбекистоннинг янги кадрлар тизими собиқ «совет моделига асосланган кадрлар» тизимидан демократик ривожланиш тамойилларига, талабларига зид «партиявийлик», яқка коммунистик ғоя ақидалардан холи бўлганлиги билан;

учинчидан, раҳбар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш билан алоқадор бўлган сиёсий институтлар, мутахассис кадрлардан бевосита ёки билвосита раҳбар бошқарув кадрлар тайёрлашга ўтиш тизими билан боғлиқ;

тўртинчидан, республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиши, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш, бозор инфраструктурасини қарор топтириш, макро ва микро иқтисодиётда бўлаётган ўзгаришлар талабига жавоб берадиган раҳбар ва бошқарув кадрларини шакллантириш, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик шаклидан демократик усулларига ўтиш, раҳбар ва бошқарув кадрларнинг ўрни ва мавқеига янгича қараш ва “Маъмурий ислохотлар концепцияси”да ишлаб чиқилган вазифаларнинг амалга оширилаётганлиги билан белгиланади.

Диссертацияда бу ўзгаришлар қуйидаги босқичларда: 1) 1989-1991 йиллар (Мустақиллик арафасидаги амалга оширилган ислохотлар); 2) 1991-2000 йиллар (Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаёт асосларидаги амалга оширилган туб ўзгаришлар); 3) 2001-2016 йиллар (Мамлакатни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини ислоҳ қилиш ва унга қўйилган янгича талаблар); 2016-ҳ.в. (Раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялашнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув соҳасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда) қиёсий этилган.

Демократик жамият ривожланишида ғоявий асослардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда раҳбар ва бошқарув кадрларининг бошқарувга ёндашувини тубдан ўзгартириш “Давлат идоралари халқ учун хизмат қилиши керак, халқ давлат идоралари учун эмас” деган муҳим принципга амал қилиши раҳбар ва бошқарув кадрлари фаолиятини инсонларнинг мақсад ва

¹² Темур тузуклари. – Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 15 б.

манфаатларига яқинлаштиради. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ташкил этилган “Халқ қабулхоналари”, “Президентнинг виртуал марказлари” бошқарувни амалга оширишнинг янги технологиясидир. Бу бошқарувда учрайдиган айрим бюрократия ва нуқсонларнинг олдини олишга, раҳбар ва бошқарув кадрларнинг ишга масъулият билан қарашига ва муаммоларни ҳал этиш имкониятини бермоқда. Ўтган йилда 1,5 миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилиб ўз муаммоларини ҳал қилганлиги ўзига хос ютуқдир.

Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни механизмлари қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

Концептуал (давлат кадрлар сиёсатининг назарий асосларини ишлаб чиқиш);

ҳуқуқий-меъёрий (давлат кадрлар сиёсатининг қонуний асосларини яратиш борасида фаолият олиб бориш);

ташкилий (давлат кадрлар сиёсатига оид иш олиб борадиган органлар, кадрлар ишлари билан шуғулланадиган идоралар ва шу каби бошқа махсус институтлар фаолиятини ташкиллаштириш);

технологик (кадрлар иши усул ва услублари, шакллари ва ҳ.к.) такомиллаштиришда фаол иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилади.

Диссертацияда Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлашнинг сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий асосларининг яратилиши ва такомиллаштирилиши амалга оширилаётганлиги ҳамда раҳбар ва бошқарув кадрлари институционал тизимининг янгиланиши, баҳолаш мезони ва механизмлари таҳлил этилган.

“Раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиши соҳалари ва хориж тажрибаси” деб номланган иккинчи бобида давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида раҳбар ва бошқарув кадрлар таълим тизимининг янгиланиш жараёнлари, раҳбар ва бошқарув кадрларга янги талаблар, динамикаси ва тенденцияси ҳамда хорижий давлатларда кадрлар тайёрлаш, танлаш, баҳолаш тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган. Хорижий давлатларда кадрлар тайёрлаш, танлаш, баҳолаш тажрибасидан фойдаланиш механизмлари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ташкилий, ўқув ва илмий-амалий фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, давлат бошқаруви ва жамият қурилишининг ҳозирги босқичи учун зарур бўлган билимли, дунёқараши кенг, фидойи, компетентли, ташаббускор, содиқ, ватанпарвар кадрларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиши асосланади.

Диссертацияда асосий вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган тадбиркор раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат эканлигига эътибор қаратилади.

Бунинг учун раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялашда олий таълим муассасалари тизими билан бирга, мамлакатимиздаги академиялар, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази каби ташкилотларнинг илмий-амалий салоҳияти ва имкониятларини янада фаол сафарбар этиш даркор¹³ лиги таъкидланган.

Шунингдек, раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш динамикаси ва тенденцияси таҳлил этилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 1996-2016 йилларда тайёрланган раҳбар ва бошқарув кадрларининг тингловчиликка қабул қилинганлар сони 2728 нафар, тингловчилар сафидан чиқарилганлар 52 нафар, битирувчилар 2676 нафарни ташкил қилиб, ўқиш муддати 10-12 ой муддатли курслар (1996-2012 йилларда), икки йиллик магистратура (2012-2016 йилларда) белгиланган. Давлат бошқарув академиясининг охириги беш йиллик фаолияти таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, академияда магистратурани тамомлаган тингловчиларнинг 8% фоизи икки ва ўндан ортиқ поғонага, 45% бир поғона карьера нуқтаи-назардан ўсганлигини кўришимиз мумкин¹⁴.

Диссертацияда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” номли асарида илгари сурилган концептуал ғоялар асосида бошқарув кадрлари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратилган. Замонавий раҳбар ва бошқарув кадрларга қўйилаётган янги талаблар таҳлил этилган.

Ҳозирги даврдаги кадрлар сиёсатининг функционал фаолияти эса қуйидагича гуруҳлаштирилган. Улар: 1) Компенсаторлик функцияси; 2) Адаптациялаштиришга ёрдам бериш; 3) Интерактив функциялар; 4) Инновация функцияси; 5) Ғоявий, мафкуравий, маънавий ва тарбиявий функциялари асосланган.

Тадқиқотда раҳбар ва бошқарув кадрлари сиёсати билан боғлиқ хорижий тажрибалари ўрганилган. Жумладан, АҚШ, Франция, Германия, Россия, Сингапур, Япония, Жанубий Корея давлатлари давлат хизматларида бошқарув кадрлари сиёсати анъаналари, тартиблари ва талаблари, мамлакатимизда бошқарув кадрлари фаолияти масалаларига мувофиқ келадиган томонлари алоҳида ўрганилиб, хулосалар чиқарилган.

Бугунги куннинг раҳбари бошқарувда хориж тажрибасига таяниши ва мамлакатимизда раҳбарлик фаолиятида учрайдиган коррупцияга қарши

¹³ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 26 б.

¹⁴ www.dba.uz

кураш, қонунларга итоат этиш, инсон эркинлиги ва манфаатларини хурмат қилиш, бундан ташқари таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, адолат тамойилларига амал қилмаслик билан боғлиқ салбий ҳолатларга мурасасиз бўлиш маданиятини шакллантириш устувор вазифа бўлиб қолаётганлигини чуқур англаши лозимлиги алоҳида таъкидланади. Раҳбар ва бошқарув кадрлари халққа хизмат қилишни ўзининг раҳбарлик бурчи ва масъулияти ҳамда раҳбарлик фаолиятининг асосий мезони деб билмоғи ва унга амал қилиш маданияти тараққиётнинг кафолати бўлиб қолиши тадқиқот ишида асосланган.

Диссертациянинг “Демократик ўзгаришларда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизими модернизациялашининг замонавий технологиялари” деб номланган учинчи бобда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланишининг кадрлар тизимидаги ўзгаришларга таъсири, раҳбар ва бошқарув кадрлари ваколатларининг кенгайиши технологиялари ҳамда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиши истиқболлари тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарув институтлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари модернизациялашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бир палатали парламентдан икки палатали парламентга ўтганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ваколатлари Бош вазирга ва Олий Мажлис Сенатига ўтганлиги, суд ҳокимиятида амалга оширилаётган ислохотлар, Марказий давлат ҳокимиятининг номарказлашиши ва айрим ваколатларининг маҳаллий давлат ҳокимиятига ўтаётганлиги билан асосланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг яқин истиқболдаги долзарб вазифалардан бири – ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга масъул бўлган раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ваколатларни туман ва шаҳар ҳокимларига тўлиқ ўтказишдан иборат. Бундан буён тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими, иқтисодиёт, молия бўлимлари, солиқ инспекцияси ва бошқа тузилмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш туман ҳокими томонидан амалга оширилади. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бўйича кадрларни танлаш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш билан боғлиқ ваколатлар қайта кўриб чиқилади. Айти пайтда маҳаллий раҳбарларга бундай кенг ваколат ва мустақиллик бериш билан бирга, якуний натижа учун уларнинг жавобгарлигини тубдан оширишимиз зарур¹⁵. Кўриниб турибдики, маҳаллий давлат ҳокимияти раҳбарлари ваколатлари кенгайтирилиши ҳамда масъулияти ва шахсий жавобгарлиги янада оширилиши жойларда бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот ишида фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг (9200), кенгайиб бораётганлиги жамият бирлашмалари, оила, маҳаллалар, ижтимоий ҳаракатлар, ОАВ, сиёсий партияларнинг жамиятни демократлаштиришдаги роли янада ошаётганлиги, раҳбар ва

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/> – 22.12.2017.

бошқарув кадрларни танлашда демократик тамойилларга таяниш бошқарув самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Бунда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизими модернизациялашишни тақозо этиши асосланган. Диссертацияда сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув кадрлар танлаш ва тайёрлашдаги ролига алоҳида эътибор қаратилган.

Раҳбар кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида таълим тизими ва бошқарув органлари ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш каби бир қатор масалалар, замон талабларига мос равишда янада модернизациялашиши мақсадга мувофиқ эканлиги, номарказлаштириш жараёнларидаги ўзгаришлар умумлаштирилган, унинг раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш истиқболлари таҳлил этилган. Бугун ҳаётнинг ўзи давлат ва жамият бошқарув соҳасида фаолият олиб бораётган кадрлардан профессионал, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Шунини ҳисобга олиб, “Республикада раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялаш истиқболлари” концепциясини ишлаб чиқишга эътибор қаратилади. У доимо инновацион ғояларни ва янги технологик ёндашувларни тақозо этади. Бошқарувни амалга оширишда кадрлар доимо янги ғоялар билан яшаши ва уни бошқарув соҳасига татбиқ этиб бориши лозим. Тадқиқот ишида, раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимининг модернизациялашиш жараёни тадрижий ва узлуксиз давом этадиган истиқболга хизмат қиладиган вазифа эканлигига эътибор қаратилади. Унинг истиқболли эканлиги: 1) Мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларнинг натижаси раҳбар ва бошқарув кадрлари фаолиятига бевосита боғлиқ эканлиги билан; 2) Демократик ислохотлар чуқурлашган сари инсонга хизмат қилиш олий қадрият сифатида, раҳбар ва бошқарув кадрлари фаолиятини баҳолайдиган мезон сифатида унга талабнинг ошиб бориши асосланади. Бу истиқболда ҳам раҳбар ва бошқарув кадрларининг тизимини модернизациялашни тақозо этади. Шунингдек диссертацияда хулоса, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимининг модернизациялашиш жараёнларини ўрганиш қўйидаги хулосаларни илгари суриш имконини берди:

1. Мамлакатни модернизациялаш жараёни объектив характерга эга эканлиги мамлакат ижтимоий ҳаёти асосларининг тубдан ўзгариши сиёсий плюрализм ва мафкуралар хилма хиллигига асосланган раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини яратиш соҳасида муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

2. Раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялашнинг конституцион ҳуқуқий асослари ва сиёсий парадигмалари шарқ ва ғарб мутафаккирларининг замонавий қарашлари ва концепцияларга таянган ҳолда илгари сурилди. Раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимида кадрларни танлашдаги ўзгаришлар ва давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш

талабларига жавоб берадиган янги тизимни қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга.

3. Хорижий давлатларда раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш, танлаш ва фаолиятини баҳолаш тизимидаги инновацион технологияларни, илғор тажрибалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш, мамлакатимизда раҳбар ва бошқарув кадрлар янги тизимини модернизациялашга жорий этишда миллий-маънавий мерос ва кадриятларга таяниш ҳамда демократиянинг умумэътироф этилган умуминсоний принципларига асосланиш янги кадрлар тизимининг фаолиятини баҳолашнинг муҳим мезонидир.

4. Раҳбар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимида тегишли олий ўқув юртлари базасида магистратура босқичида раҳбар ва бошқарув кадрлари тайёрлашга йўналтирилган ҳамда аниқ соҳалар бўйича раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлашни назарда тутувчи ихтисослик йўналишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, раҳбар ва бошқарув кадрларини танлаш тизимида ротациянинг аҳамиятини ҳам кучайтириш керак. Ротация янги вазифаларни ҳал қилиш имконини беради ва турғунлик, расмиятчилик каби иллатларни бартараф этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ротация техника ва технологияларни бир тармоқдан бошқа тармоққа ўтказишнинг қудратли воситасига айланиши мумкин.

5. Раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини янада модернизациялаш мақсадида унинг мониторингини амалга ошириб бориш ва фаолиятида эришган ютуқлари, мамлакатни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасига қараб уларни рағбатлантирувчи механизмларини ва ҳуқуқий асосларини, унинг илмий асосланган концепциясини яратиш, бунда бошқарув соҳаси хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

6. Хориж тажрибасига таянган ҳолда ёш раҳбар ва бошқарув кадрларига танлов ўтказиш орқали танлаш ва фаолиятини баҳолаш механизмларини жорий этиш, айниқса улар, бозор иқтисоди талаблари ва принциплари асосида ижтимоий мақоми, амал поғоналарининг ўзгаришига мос ижтимоий ҳимояланишини ҳисобга олиш лозим. Шунингдек, раҳбар ва бошқарув кадрларининг масъулиятини ошириш билан бир қаторда уларнинг хизмат фаолияти доирасида ваколатларини кенгайтириш, масъулиятини ва шахсий жавобгарлигини ошириш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.S.01.08
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

АТАМУРАТОВ МУРАТ УТЕПБЕРГЕНОВИЧ

**ПРОЦЕСС МОДЕРНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ РУКОВОДЯЩИХ И
УПРАВЛЕНЧЕСКИХ КАДРОВ В УЗБЕКИСТАНЕ**

23.00.02 – Политические институты, процессы и технологии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО ПОЛИТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по политическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2017.1. PhD/Siyos14.

Докторская диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.nuu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:	Эргашев Ибодулла доктор политических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Алимардонов Тулкин Турдиевич доктор политических наук, профессор Умаров Хайрулло Пайзуллаевич кандидат политических наук, доцент
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет.

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.S.01.08 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г.Ташкент, Университетская улица, Факультет истории Национального университета Узбекистана, 1-этаж, 110-кабинет. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №____). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, д.4, Главный корпус). Тел.: (99871) 236-46-55; факс (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от ____ 2018 года).

Ш.И.Пахрутдинов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор полит.наук, профессор

А.Д.Ташанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD)

А.Г.Муминов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор полит.наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в мире руководящие и управленческие кадры стали основной решающей силой развития общества, дальнейшее повышение эффективности их деятельности является важной задачей. Коренное изменение основ государственного и общественного управления требует дальнейшей модернизации системы руководящих и управленческих кадров, отвечающих требованиям демократических институтов, рыночной экономики. Главным образом, кардинальные перемены в государственной власти и управлении еще более актуализируют вопрос подготовки достойных руководящих кадров для государственного и общественного управления.

В развитых государствах разработана современная система организации управления, подготовки, повышения квалификации кадров, оценки и формирования кадрового резерва. Важное значение имеет поднятие на новый уровень вопроса обеспечения совершенствования системы подготовки, отбора, формирования резерва управленческих кадров путем применения в стране передового опыта зарубежных государств, новых механизмов, повышения эффективности посредством снижения воздействия субъективных факторов в смене должностей. В условиях дальнейшей интеграции Узбекистана в мировое сообщество, модернизации системы руководящих и управленческих кадров и выработки у них инновационного мышления, все больше возрастает спрос на современные кадры, соответствующие рыночной конъюнктуре и конкуренции, способные обобщать передовой опыт, принимать самостоятельные и безотлагательные решения.

Концептуальная идея о том, что «сегодня сама жизнь требует от нас формирования профессиональной, мобильной и нацеленной на конкретные результаты системы государственной службы, разработки эффективной системы, открывающей широкую дорогу инициативным, мыслящим по-новому, преданным Родине и народу кадрам»¹ требует научно-практического исследования формирования системы руководящих и управленческих кадров. С этой точки зрения в настоящее время изучение модернизации системы руководящих и управленческих кадров в процессе совершенствования деятельности общественно-политических институтов в Узбекистане является одной из актуальных задач.

Данная диссертация послужит реализации задач, намеченных Указом Президента Республики Узбекистан УП-5185 “Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан” (2017), Указом №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису // <http://uza.uz/oz/politics/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017>

Узбекистан” (2017), Указом УП-5139 “О мерах по дальнейшему развитию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации управленческих кадров в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан” (2017), Постановлением ПП-3430 “Об организации деятельности Агентства государственных услуг при Министерстве юстиции Республики Узбекистан” (2017), Указом УП-5430 “О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в процессе демократического обновления страны” (2018), Постановлением ПП-3755 “О мерах по созданию современной системы отбора на конкурсной основе перспективных управленческих кадров” (2018), а также другими нормативно-правовыми актами в данной сфере.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование в свете развития науки и технологий республики выполнена в рамках приоритетного направления I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В политическом наследии Востока и Запада в области формирования и развития государственного управления есть своеобразные традиции исследования вопроса управленческих кадров. В трудах зарубежных ученых уделено особое внимание изучению процесса модернизации системы руководящих и управленческих кадров.

В нашей стране проведены важные научные изыскания в изучении процесса реализации таких основополагающих целей, как укрепление национальной государственности, построение правового демократического государства и гражданского общества, модернизации соответствующей его требованиям системы руководящих и управленческих кадров.

Осуществленные в этой сфере научные исследования и опубликованную литературу условно можно разделить на три группы. Первая группа – это результаты научных исследований ученых развитых зарубежных стран. К их числу относятся Филипп Ардан, Г.Женевьев, С.Паркинсон, М.К.Рустомжи, Й.Хенце, Й.Метцнер, О.Сусуму, Р.Инглхарт, П.Де Брюйн².

² Женевьев Г. Организация административной власти Франции. – Москва, 1994; Ардан Филипп. Франция: государственная система. – Москва, 1994 – 261 с.; Хентце Й., Метцнер Й. Теория управления кадрами в рыночной экономике. – Москва: “Международные отношения”, 1998 – 210 с.; Обара Сусуму. О системе прохождения службы в государственных и общественных учреждениях Японии (Система назначения на должности: с момента принятия на службу и до ухода в отставку. Материалы лекции в АГОС при Президенте РУз. Сентябрь, 1999. – 142 с.; Паркинсон С.Н., Рустомджи К. Искусство управления. – Москва, Форм-пресс, 2001. – 272 с.; Инглхарт Р. Пост модерн: меняющиеся ценности и изменяющиеся общества // Полис. – 1997. – №4. – 7-29 с.; Брюйн П.Де. Управление по результатам в государственном секторе. – Москва: ИКСИ, 2005 – 192 с.

